

XX аср

ЎЗБЕК МУМТОЗ
АДАБИЁТШУНОСЛИГИ

АНТОЛОГИЯ

XX аср

ЎЗБЕК МУМТОЗ
АДАБИЁТШУНОСЛИГИ



АНТОЛОГИЯ

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2016

УЎК: 821.512.133(09)

КБК 83.3 (5ў)

Й 18

Та к р и з ч и л а р :

Қурдош Қахрамонов – филология фанлари доктори;

Узоқ Жўрақулов – филология фанлари номзоди.

Й 18

XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги

[Матн] / Тузувчилар: Б. Каримов ва бошқ. – Т.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2016. – 552 б.

Ўзбек, умуман, Шарқ мумтоз адабиётини уларнинг мазмун-моҳиятида му- жассам бўлган диний-гасаввуфий қарашлар, шарқона фалсафий дунёқараш, илдизи қадим мозийга тугаш ривояту асотирлар билан уйғун тарзда ўрганиш лозим. Шу боис ўзбек мумтоз адабиёти намуналарига ҳар кимнинг ҳам тиши ўтавермайди. Бунда оддий китобхон мутахассис мададига муҳтож. Адабиёт- шуносларимиз XX асрда бу борада ўқувчиларга қай даража елкадош бўлди?..

Қўлингиздаги китоб нафақат юқоридаги сингари саволларга муфассал жа- воб беради, балки ёш адабиётшунослар учун муҳим манба, кенг китобхонлар оммаси учун қизиқарли мажмуа бўлиш билан бирга, чорак асрлик Истиқлол тўйини тантана қилаётган халқимиз учун муносиб тухфа ҳамдир.

УЎК: 821.512.133(09)

КБК 83.3 (5ў)

ISBN 978-9943-07-420-0

© «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти, 2016

ДУРДОНАЛАР ХАЗИНАСИГА ЙЎЛ

XX аср маданий-маърифий ҳаёти солномасида ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек жадид адабиёти ва матншунослигига оид тадқиқот, монография, имлий рисола ва мақолалар салмоқли ўринни эгаллайди. Бу адабий-илмий соҳада 20-йиллардан аср охирига довур юзлаб адабиётшунос ва матншунос олимлар шаклланди; диссертациялар ҳимоя қилинди. Табиийки, уларнинг барчаси ўз вақтида зиммасидаги вазифани қойилмақом қилиб удалади; баъзи ишларда давр адабий сиёсатининг муҳри қолди; уларни бугун таҳрир назари билан мутолаа қилиш лозим. Айни дамда ўзбек адабиётшунослиги тарихида қайта-қайта ўқиладиган, мутахассислар мўътабар манба ўлароқ мурожаат этадиган асарлар ҳам ёзилди. Зотан, ҳар қандай адабий манбанинг эстетик моҳияти ўз табиатига кўра теран тушунилган ва ишончли далиллар билан тушунтирилгандагина тарих синовларидан ўтади ва бебаҳо қадриятга айланади. XX аср ўзбек адабиётшунослиги адабий манбалари шу нуқтаи назардан кузатилганда, илмий ҳаёт сахнасига ўз соҳаларини чуқур билган адабиётшунос олимларнинг турли авлоди чиқиб келади. Қилган хизматларининг улкан қисми мумтоз адабий сиймолар ижод йўлини ёритиш, адабий меросини – нодир қўлёзма манбаларни эски ўзбек ёзувидан жорий имлога ўгириб халққа етказиш бўлди. Энг муҳими, амалга оширилган ишларнинг аксар қисми адабий-назарий тадқиқотчилик характеридадир. Ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётган мумтоз адабий манбаларни авлодларга тақдим этишдек машаққатли иш ҳам, албатта, одамдан фидойиликни, ҳар бир мисра, сўз, ҳарф ва нуқта устида тафаккур қилишни талаб этадиган юмушдир.

Бир асрлик адабиётшунослик асарлари хронологик кетма-кетликда жамлаб сараланганида, табиийки, мавзу эътибори билан ҳар бир олимнинг феномениал қиёфасини ҳамда мумтоз адабий дурдоналар қасрига етаклайдиган йўлни кўрсатадиган асарлар мажмуи – галереяси майдонга келади.

Адабиётшунос сифатида Абдурауф Фитрат ёзган «Аҳмад Ясавий», «Машраб», «XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Ўзбек шоири Турди», «Ҳибат ул-хақойик» каби мақолалар қадри бугун ҳам баланд. Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймон, Субутой Долимов, Холид Расул каби истеъдодли матншунос ва луғатшуносларнинг тадқиқотлари, хусусан, Алишер Навоий, Огаҳий ва бошқа ижодкорларнинг асарларини халқимизга етказишдаги тарихий хизматлари таҳсинга лойиқ. Илм-фан тарихидаги бундай жасорат эгаларини эсламаслик мумкин эмас. Ўз замонида дастлаб нашр қилинган адабий меросга кейинги давр олимлари такрор мурожаат этишлари, мустабид тузум қўли билан таҳрирга учраган ёки олиб ташланган ноёб асарларни ўз ҳолига қайтарганлари ҳам ҳақиқатдир.

Орадан йиллар, замонлар ўтган сари адабий таҳлилларда ҳам ўзгариш ва янгилинишлар бўлади. XX асрнинг 20-30-йилларидаги қарашлар билан аср ўртаси ва охиридаги талкинларда айнан бадиий ижодга муносабат, адабиётшунослик илмининг савияси нуқтаи назаридан фарқлар сезилади. Ўзбек миллий адабиёти яқин тарихдаги мафкуравий зуғумлар боис ўз эстетик моҳиятига мос талқин қилинмаган паллалар бўлди. Хусусан, тасаввуфий, диний мазмундаги асарлардан ёки асарлар таркибидаги шу мазмунли парчалар қисқартирилди; адабиёт тарихи бирёклама ёритилди. XX асрда сўз эркин қўйилмагани нафақат бадиий асарлар, балки илмий мақолаларда ҳам сезилар, англаган ҳақиқатни тўла-тўқис баён қилиш имконсиз эди. «XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги» антологияси ўзбек адабиётшунослиги тарихининг шундай манзараларини ҳам тасаввур қилишга имкон бериши мумкин. Тўғриси, поэтика масалаларини, адабиётнинг гўзаллигини, поэтик санъатларни, адабий асарнинг эстетик мазмунига, айниқса, бадиий маҳоратга бағишланган мақолаларда адабиётшуносларнинг нафосатшунос олим сифатидаги «мен»и

кўринади. Чунки «бадий маҳорат – катта ҳаёт ҳақиқатини жонли шаклда ифодалаш санъати» (И. Ҳаққул). Адабиётшунослик ичдан тармоқланиб, навоийшунослик, бобуршунослик, машрабшунослик, огаҳийшунослик каби аниқ йўналтирилган соҳалар бўйича ривожланди.

Алишер Навоийнинг тўла асарлари қайта нашр этилди. Матн устида ишлаш, аллома шоирнинг ҳар бир асарига янгича ёндашувлар бошланди. Шоир умрининг охирида ёзган «Лисон ут-тайр» достонида қуш тили, яъни мажоз воситасида ҳақиқат асрорини баён қилган эди. Ўзи англаган ҳақиқатининг бадий талқинида ҳаётий ва эътиқодий аъмолларга таянади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахлоқий қарашларини, инсоннинг рухий камолоти учун зарурий мезонларни ўзига хос йўсинда баён қилади. Алишер Навоийнинг олижаноб хулқлари, юксак инсоний фазилатларини баён қилган Ғиёсиддин Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ»даги эътирофлари ўқувчилар юрагига етиб борди. Бундай тарихий китоблар Заҳириддин Бобур оламини ҳам ёритди. Бобур табиатан мард, меҳр-муруватли, саховатпеша, кечиримли эди. Зотан, Бобурнинг ўзига ёмонлик тилаган, баъзида хиёнат қилган, ҳатто ошига захар кўшиб ичирган кимсаларни кечирган вазиятлари тарих саҳифаларида битилган. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» асарида ёзади: «У турли гўзал фазилатлар, мақтовга лойиқ сифатларга эга эди. Барча сифатлари ичида шижоат ва муруватпешалиги устун келарди».

Аслида, ўзбек адабиёти тарихидаги мумтоз асарларни уларнинг моҳиятида мужассам диний-тасаввуфий қарашлар билан уйғун ўрганиш оддий зарурат. Ўзбек адабиёти, умуман, шарқ адабиёти тарихида шундай адабий дурдоналар борки, тасаввуф фалсафасисиз, айна дамда, Қуръони карим оятларини ва ҳадиси шариф ҳикматларини талқин жараёнига татбиқ қилмасдан улардаги поэтик образларни ҳам, асил мазмун-моҳиятини ҳам тугал очиб бериб бўлмайди. Мумтоз шеърятдаги «ёр», «май», «шароб», «соқий», «жом» каби ўнлаб образлар тасаввуфий истилоҳлар билан изоҳланди. Зотан, мумтоз адабиётга бундай ёндашувлар истиқлол йилларидаги адабий-назарий мақола, айрим рисола ва монографияларда янги адабий-тадқиқий ҳодиса,

айнан адабиётшунослик методининг бир тури сифатида кузатилади. «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» (муаллифлар жамоаси), «Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами» (А. Рустамий), «Тафаккур карвонлари» (Н. Комилов), «Тасаввуф ва шеърят» (И. Ҳаққул), «Ислом тасаввуфи манбалари» (тузувчи – проф. Ҳ. Болтабоев), «Мумтоз адабиётда диний-маърифий мавзулар», (Б. Жалилов), «Куръон бахш этган илҳом» (Д. Қамбарова), «Куръони карим ва ўзбек адабиёти» (Ҳ. Кароматов), «Ишқ, ошиқ, маъшуқа» (С. Олим), «Жозиб изҳор излаб» (Т. Шермуродов), «Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари» (Б. Эралиев) ва бошқа кўплаб асарлар майдонга келди. Мумтоз асарларга янгича ёндашувни, бундай ўзига хос адабий ҳодисани, дейлик, «диний-тасаввуфий метод» истилоҳи билан аташ ҳам мумкин. Дунё адабиётшунослигида айни шундай ном бирорта методга нисбат берилган эмас. Бироқ Л. Толстой, М. Достоевский, В. Иванов каби ижодкорларнинг асарларини теологик нуқтаи назардан талқин этган Н. Бердяев, Л. Шестов, Вл. Соловёв, В. Розанов, И. Гарин каби айрим олимларнинг асарлари мавжуд; бу усул «диний-идеалистик» деган ном билан аталади.

Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Машраб, Ҳувайдо, Ҳазиний тоифасидаги орифона дунёқарашли ижодкорларнинг асарлари китобхонларга тақдим қилиниши билан бирга, улар тўғрисида жиддий илмий тадқиқотлар амалга оширилди.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги кўплаб адабий-илмий мақолаларда миллий кадриятларга, адабий меросимизнинг умумбашарий қирраларига диққат қаратилди. Хусусан, Ботир Валихўжаев, Азиз Қанонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Анвар Ҳожиаҳмедов, Нажмиддин Комилов каби катта авлодга мансуб адабиётшунослар жиддий изланишлар қилишди, ўзларидан кейинги авлод вакилларига ўрнак бўлишди. Мумтоз адабий сиймолар ижодининг етакчи мотивларини: «Алишер Навоий ижодининг жамият таракқиётидаги ғоят муҳим анъаналаридан бири шоир ижодидаги адолат мотивлари ва ижтимоий тузумга, унда мавжуд бўлган адолатсизликка қарши норозилик ғояларидир» (С. Долимов), тарзида ҳам баён қилишди. Кейинги даврда Иброҳим

Ҳаққул, Султонмурод Олим, Нусратулла Жумахўжа, Шухрат Сирожиддинов, Сайфиддин Рафиддинов, Эргаш Очиллов каби олимлар изланишларида янги талқинлар қузатилди.

«Навойнинг қалб дафтари» (И. Султон), «Навой лирикаси» (А. Ҳайитметов) каби жуда катта изланиш ва тинимсиз меҳнат эвазига майдонга келган китоблар мустақиллик йилларида бироз таҳрир ва тузатишлар билан қайта нашр қилинди.

Тарих билан адабиётнинг ўзаро уйғунлашган нуқталарини тадқиқ қилишда профессор Ш. Юсуповнинг хизматлари катта бўлди. Олимнинг китобларида эл-юрт тақдири ва тарихига оид улкан ҳақиқатлар мужассам топди; уларда олимнинг нақадар ватансевар ва миллатпарвар, нақадар инсонпарвар ва холис ҳамда зукко олимлиги кўринди.

Ўзбек жаҳид адабиёти негизида беҳбудийшунослик, қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик истиқлол йилларида майдонга келди. Бу давр қарвонбошиси профессор Б. Қосимов ўзининг қатор китобларида ўша адабий-ижтимоий муҳитни, адабиётдаги янгилашни жараёнларини бутун моҳияти билан ёритди. Олимнинг илмий-ижодий биографиясидаги бош китоби айнан истиқлол йиллари ёзилди ва нашр этилди. Олим жаҳидчиликнинг характер-йўналиши тўғрисида шундай фикрларни ёзади: «Жаҳидчилик оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат. Яқингача ҳам у фақат маърифатчилик ҳаракати деб келинди. Бу атайлаб қилинган эди. Мақсад – жаҳидчиликнинг доирасини торайтириш, социалистик-коммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди».

Жаҳидлар наздида Ватан ва миллат севгиси ҳар қандай бошқа туйғудан устун келди; ижтимоий масалалар етакчи ўринга чиқди. Адабиёт ўзининг гўзал рамзлар тили билан чин маънода миллатни уйғотиш ишига бел боғлади. Маърифатга тарғиб, эрк-озодликни тараннум қилиш ва бошқа қатор миллий-ижтимоий, маънавий-маърифий масалалар бу бадиий адабиёт негизини ташкил этди.

Тўғриси, ҳар қандай соҳанинг келажаги ёшларнинг истеъдоди, саъй-ҳаракатларига, қатъияти ва сабр-бардошига боғлиқ.

Шу маънода Нодирхон Ҳасанов, Отабек Жўрабоев, Жалолиддин Жўраев каби ёшларнинг манба ва матн устида зукколик билан олиб борган изланишлари айнан истиқлол йилларида ўз самарасини берди.

Хуллас, «XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги» антологиясида саралаб жамланган илмий мақолалар, биринчидан, ўзбек адабиётшунослиги босиб ўтган машаққатли йўлнинг самараси ҳамда мураккаблигини, иккинчидан, ҳар бир адабиётшунос олим қаламининг табиатини намоён қилади. Тўғриси, XX ва XXI аср аввалида ёзилган энг сара адабий мақолаларнинг барчаси бир жойга жамланса, бир нечта жилдлар пайдо бўлиши аниқ. Мазкур антология шундай улкан хазина томон йўл олишга Сизда рағбат уйғотади, деган умиддамиз.

**Баҳодир Каримов,
филология фанлари доктори**



Абдурауф
Абдурахим ўгли
ФИТРАТ

(1886–1938)



Абдурауф Абдурахим ўгли Фитрат 1886 йилда Бухорода тузилган. Биринчи ўзбек профессори (1926). Мир Араб мадрасасида, сўнг Туркияда ўқиган. «Хуррият» газетаси муҳаррири (1917–18), Афғонистоннинг Тошкентдаги ваколатхонасида таржимон (1919–20), БХСР маориф нозири (1921), хорижия – ташиқи ишлар нозири (1922), Халқ хўжалиги кенгаши раиси, МИК ва Халқ назирлари шўроси раисининг ўринбосари ва ҳ.к. Самарқанд Олий педагогика институти ҳамда Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида илмий фаолият олиб борган (1926–37). «Сайҳа» шеър тўплами (1909), «Мунозара», «Сайёҳи ҳинди», «Қиёмат» насрий асарлари, «Чин севиши» (1920), «Ҳинд ихтилолчилари» (1923), «Абулфайзхон», «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924), «Арслон» (1926), «Восеъ қўзғолони» (1927) пьесалари, «Адабиёт қоидалари» (1926), «Аруз ҳақида» (1936) рисоалари нашр этилган.

Фитрат 1938 йил 4 сентябрда Тошкентда қатл этилган. Вафотидан кейин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди (1991).

XVI АСРДАН СЎНГРА ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА УМУМИЙ БИР ҚАРАШ

XVI аср Ўрта Осиё савдо сармоясининг қулаши ва уни вужудга келтирган жаҳонгир теурийлар давлатининг ўзбек фео-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3584> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3584> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3584>